Германиядаги ватандошлар мурожаати

Германиянинг Гиссен шаҳрида «Рот-Феранштальтунгес» немис жамияти ташаббуси билан, шунингдек «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси кўмагида илгари Ўзбекистонда яшаган собиқ ватандошларимизнинг биринчи учрашуви бўлди. Бу учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатномада шундай дейилади.

Муҳтарам Президент Жаноби олийлари!

Биз, ҳозир Германияда истиқомат қилаётган ҳамда Гиссен шаҳридаги учрашувда иштирок этаётган ватандошлар Сизнинг демократик ислоҳотлар ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳормас-толмас фаолиятингизни чин қалбдан қўллаб-қувватлаб, Сизга миннатдорлик мактуби билан мурожаат қилмоқчимиз.

Биз Германияда яшасак ҳам, Ўзбекистоннинг ҳозирги ютуқларини диққат билан кузатиб турибмиз ва бу ютуқлардан хурсанд бўлмоқдамиз. Чунки бундай ютуқларга кўплар ҳавас қилса арзийди.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар давлати, катта умидлар, аҳиллик, якдиллик, тотувлик ва қардошлик мамлакатидир.

Айни шулар Ўзбекистонни демократик, дунёвий тараққиёт йўлидан оздиришга уринаётган барча кишиларга тинчлик бермаяпти.

Бироқ биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар халқини ҳеч нарса билан қўрқитиб ва уни танлаб олган йўлидан қайтариб бўлмаслигига ишонамиз.

Биз, бу ерда яшаб туриб ҳам, қалбимизда меҳмондўст Ўзбекистонимизнинг ҳарорати ва ғамхўрлигини, меҳр ва дўстпарварлигини асраб-авайлаган ҳолда Сиз ўтказаётган сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Маънавият, сабр-бардошлилик каби соф инсоний туйғулар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, кўп миллатли Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг табиий фазилатига айлангани бежиз эмас.

Бу фазилат ҳозир Ўзбекистондан ташқарида яшаётган, бу жаннатмонанд мамлакатни ўзининг ҳақиқий Ватани деб билган кишиларга ҳам хос эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистонда мамлакатда мустақиллик йилларида тўпланган демократия тажрибасини бутун дунёга намойиш қилиши лозим бўлган сайлов кампанияси бошланган ҳозирги пайтда биз Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сайлови чоғида кўпчилигимиз Сизга овоз берганимизни эсламоқдамиз.

Ўтган йиллар Сиз учун овоз бериб адашмаганимизни кўрсатди. Сиз умидларимизни, аввало Ўзбекистон халқининг умидларини тўла оқладингиз ва ҳозирги даврнинг қийинчиликларига қарамай, мамлакатни танлаб олинган мақсад сари дадил бошлаб бормоқдасиз.

Биз Ўзбекистон иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига, ўзбек халқининг фаровонлигига ҳамда Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мустаҳкам ва ишончли бўлишига бор кучимиз билан кўмаклашишга тайёрмиз.

Сизга чин қалбимиздан мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Юксак эҳтиром билан,

Собиқ ватандошларнинг Гиссен шаҳридаги биринчи учрашуви иштирокчилари:

Р.АБДУХАИРОВА, Д.БРОНШТЕЙН, Е.ВАГНЕР, Т.ВИДЕР, Д.ДРАХТ, К.ВИШНЕВСКИЙ, Э.МЕНДЕЛЬСОН, А.ПЕПЛЕР, Е.ПЕТКЕ, М.РОТШЕ, Т.ФУЗАЙЛОВА, К.ХОХЛОВ ва бошқалар.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 28 октябрь, пайшанба • № 126 (25.521).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Пахта — 99»

МАРРА

Вилоятлардан мухбирларимиз хабар қиладилар

ЧОРТОҚ. Туман пахтакорлари аксарият адир ерларда деҳқончилик қилишади. Қўриқ ерлардан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олган миришкорлар ҳар йили вилоятда пахта тайёрлаш режасини муддатидан олдин адо этиб келишади. Бу йил ҳам пахта режаси ортиғи билан адо этилди. Қабул пунктларига 8300 тоннадан ортиқ хомашё жўнатилди. «Чортоқ», «Дўстлик», «Мустақилликнинг 5 йиллиги» хўжаликларида пахтадан ташқари узум, мева ва бошқа маҳсулотлар режаси ҳам ортиғи билан адо этилди.

Туманда яна 1000 тонна пахта учун кураш бошланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

ХОВОС. Миришкорлар давлат хирмонига 16000 тонна «оқ олтин» топшириб, довондан ошдилар. Пахтанинг катта қисми биринчи навга топширилди.

Ғалабани қўлга киритишда «Фарҳод», «Ширин», «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», Бобур номли ширкат уюшмалари ва деҳқон хўжаликларининг улуши катта бўлди.

Эндиликда ховосликлар яна 1000 тонна пахта териб, ялпи хирмонни 17 минг тоннага етказиш учун бел боғладилар.

Абдужалил УМАРОВ

ИЗБОСКАН. Йиллик шартнома режаси уддаланганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекиш избосканликларга ҳам насиб этди. Бу ерда 27 минг 550 тонналик хирмон яратилди. Ҳосилдорлик гектаридан ўртача 32,6 центнердан бўлди. «Чўнгбоғиш», А.Тиллабоев номли, «Шарқ юлдузи», Н. Жўраев номли, «Урганжи», «Ўзбекистон», «Пойтуғ», «Гуркиров» ширкат ва жамоа хўжаликлари бу йилги йиғим-терим мавсумида пешқадамлик қилдилар.

Туман деҳқонлари яна 3 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Йиғим-терим авжида.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЯНГИЙЎЛ. Пахтакорларнинг бугун қувончи чексиз. Негаки, юзлари ёруғ бўлди. Анча йиллардан бери режа бажарилмаётган эди. Бу йил режадаги 19 минг 400 тонна ўрнига 19 минг 532 тонна хирмон уюлди.

Далаларда 10 минг 300 нафар теримчи, 15 та терим агрегатлари жавлон урди. Машиналар кучи билан 2284 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Теримчилар ҳали-бери пахтазорни тарк этишмайди. Нияти қолган ҳосилни ҳам йиғиштириб олиб, вилоятнинг умумий хирмонига салмоқли улуш қўшишдир. Муваффақиятга эришишда «Ниёзбош», Абдулла Ортиқов, Назарали Ниёзов, Ҳамроқул Турсунқулов, Мирзабобоев номли, «Тинчлик», Алишер Навоий номли, «Озод», «Эски қовунчи» жамоа хўжаликларининг ҳиссаси катта.

***

БЕКОБОД. Йил бўйи қилинган ҳалол меҳнат ўз самарасини берди. 17 минг 160 гектар майдондаги пахта хомашёси шартнома режаси 42 минг 307 тонна қилиб адо этилди. Даладаги ҳосилни нест-нобуд қилмасдан териб олишда 27 минг 400 дан зиёд теримчи иштирок этган бўлса, 60 та терим агрегатлари теримга барака киритишди. Улкан пахта хирмонини бунёд этишда «Авангард», «Далварзин», «Хосс», «Бекобод», Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур номли жамоа хўжаликларининг ҳиссалари беқиёс.

Соҳибжон САЛИМОВ

ОҚДАРЁ. Бу йил 7600 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди ва 18145 тонна «оқ олтин» давлатга топширилиб, режа уддаланди. Даромад ҳам меҳнатга яраша — 640 миллион сўм бўлди. Оқдарёликлар режага қўшимча 2 минг тонна пахта топшириш учун йиғим-теримни сусайтирганлари йўқ.

***

ЖОМБОЙ. Давлатга 15 минг тонна пахта топширган туман меҳнаткашлари ҳам режани уддалашди. Эришилган ютуққа «Ўзбекистон», «Ҳақиқат», Х. Низаматов номли, Н. Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги заршунослари катта ҳисса қўшдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

ҚАРШИ. Туман пахтакорлари ҳам куни кеча зафарнома битишди. Улар уйган «оқ олтин» хирмони 40 минг 800 тоннадан ортиб кетди. Айни кунларда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ

Ислом Каримовнинг китоби ҳинд тилида нашр этилди

Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири «UBC Publishiers Distributors Ltd» яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳинд тилида нашр этди. Бу нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Джасвант Сингх сўзбоши ёзди. Сўз бошида бундай дейилади:

«Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобига сўзбоши ёзиш мен учун катта шараф ва имтиёздир. Мен бу китоб Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларнинг рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Китобда аср охирида Ўзбекистон олдида пайдо бўлаётган хавф-хатар ва қийинчиликлар кўриб чиқилади ҳамда китобхонлар эътиборига бу хавф-хатар ва қийинчиликларни бартараф этишнинг аниқ, танқидий таҳлилга асосланган стратегияси ҳавола этилади.

Президент Каримов бу китобида маҳаллий можаролар, диний ақидапарастлик ва консерватизм каби салбий ҳодисаларнинг хунук оқибатларини таҳлил қилади. Бироқ бу таҳдидлар алоҳида бир мамлакат доирасида чекланмаган, улар ривожланаётган барча мамлакатларни, айниқса қўшни давлатларни ташвишга солмоқда. Муаллифнинг фикрича, хавфсизликка таҳдид ҳамма ерда вужудга келиши мумкин.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари жўғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Бу минтақаларнинг миллий манфаатлари сингари, хавфсизлик муаммолари ҳам бир-бирига боғлиқдир.

Китобдаги таҳлил ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва уларни мустаҳкамлаш борасидаги нуқтаи назар хавфсизлигимиз муаммоларини стратегик жиҳатдан таҳлил қилиш билан мунтазам шуғулланаётган сиёсатчи ва социологларимиз учун жуда қимматлидир.

Мен Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга экани ва бу тарих олис мозийга бориб тақалишини ҳамиша таъкидлаб келганман. Лекин бу соҳада кўп иш қилиб бўлмаяпти. Чунки биз кўпинча Марказий Осиё тарихини Ҳиндистонга ҳам таъсир ўтказиб, тарих йўлини ўзгартириб юборган диний ислоҳотчилар билан боғлашга мойилмиз.

Мен Бобурни назарда тутяпман. Бобур ҳам, унга қадар Темур ва Чингизхон ҳам фақат исмларгина эмас, балки тарихимизнинг ажралмас қисми экани ҳақида гапириш ортиқчадир. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан алоқаларининг батафсил таҳлили етарли эмас. Иккала мамлакатнинг тарихий алоқаларини очиб бериш

учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Мен Марказий Осиёга илгари ҳам кўп марта борганман. Бу минтақага яқинда қилган сафарим давомида иккала мамлакат тақдири ўтмишдаги каби ҳозир ҳам бир-бири билан туташиб кетганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мен тараққиётимизнинг Ўзбекистон билан алоқасини эслатиб ўтдим. Кушон, Мўғул даврларининг тарихий ўхшашлиги, Ипак йўлининг бошланиши, мамлакатларимиз ўртасида товар ва ғояларни айирбош қилиш тўғрисида жуда кўп ёзилган. Аммо биз ўрта асрлар даврида нималар бўлгани тўғрисида етарли ахборотга эга эмасмиз. Бу даврда ўша муносабатларни сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракат бўлганми? Ўзаро равнақ ва тараққиёт арафасида бу муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашни бошлайдиган энг яхши вақтдир.

90-йилларда Марказий Осиё давлатларининг пайдо бўлиши минтақанинг жўғрофий-сиёсий манзарасини ўзгартирибгина қолмай, ўзаро янги, истиқболли муносабатларни ривожлантириш учун имконият ҳам яратиб берди.

Келинг, минтақадаги энг долзарб вазиятни кўриб чиқайлик. Янги мустақил давлатлар ўзларининг илгариги нуфузи ва табиий ресурсларини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир улар ўз тақдирини яратиш билан машғул. Улар улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда ва коллектив инвестицияларнинг оқиб келишини рағбатлантирмоқда.

Бироқ, мана шу ўтиш даврида улар ҳам ижтимоий соҳада, жўғрофий жойлашишда, ресурсларнинг нотекис тақсимланишида пайдо бўладиган муаммолар мажмуига дуч келмоқда. Минтақанинг бу жўғрофий-сиёсий ва иқтисодий нозиклиги ташқи кучларни жалб қилмоқда ҳамда бу мамлакатлар учун таҳдидга янги шарт-шароит яратмоқда. Ана шу ташқи кучларнинг айримлари минтақа халқларига ҳайрихоҳ бўлиши мумкин, лекин кўпчилиги ҳайрихоҳ бўлолмайди.

Шубҳасиз, «Катта ўйин»дан мақсад — минтақадаги улкан ресурслар устидан назорат ўрнатишдир. Куч ишлатиш сиёсати минтақага турлича таъсир қилмоқда. Ижтимоий қалтис шароитда диний ақидапарастлар ва террористик кучлар бош кўтармоқда. Афғонистон муаммоси ҳам қўшни мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон чегарадош бўлмаса-да, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий устуворликларида фарқ бўлса-да, икки томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш зарурати мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик келгусида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосига айланиши лозим. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар Ҳиндистон учун технологик ноу-хау ва инфратузилмалар тараққиёти соҳасида жозибали бозордир. Ҳиндистон бу мамлакатларда юз бераётган саноатни либераллаштириш жараёнида иштирок этиб, минтақадаги асосий вазиятдан ўз нафини кўзлаб фойдаланиши мумкин. Ҳозирги даврнинг муаммолари вақтинчалик эканлигини ва улар бу муаммоларни аста-секин бартараф этаётганликларини биламиз. Мен уларнинг ҳозирги муаммолари олдида турган порлоқ истиқболини кўряпман. Қўшма корхоналар орқали Ҳиндистон уларнинг ўз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишларига ҳисса қўшиши мумкин ва лозим. Ишлаб чиқариш, хизмат, илм-фан ва технология каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга умид боғлаймиз. Биз Марказий Осиё билан муносабатларимизни мустаҳкамлашимиз шарт.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим соҳаси — миллий хавфсизлик ва ижтимоий фаровонлик бўлиб, бу соҳада биз душман кучларга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Биз халқаро терроризмга, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан ғайриқонуний савдо қилишга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Афғонистонда тинчликни тиклаш бизнинг умумий мақсадимиз бўлиб, унга эришиш — афғон халқининг кулфатларини камайтирибгина қолмай, балки Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон океанига чиқишига ҳам кўмаклашади.

Бу янги савдо йўли Ҳиндистоннинг Марказий Осиё бозорига чиқишига ёрдам беради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган ва биз учун қўшма иқтисодий корхоналарда ҳам, терроризмга қарши курашимизда ҳам муносиб иқтисодий шерик бўлиб қолиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, китоб алоҳида аҳамиятга эга. Китоб айни Президент Каримов томонидан ёзилгани асарнинг қадр-қийматини янада оширади.

Джасвант СИНГХ,
ташқи ишлар вазири.»
ЎзА — «Жаҳон»

Муҳаббат бобида яна бир фильм

Икки мамлакат кино усталари томонидан яратилаётган сценарий ҳам ниҳоясига етмоқда. Бунда режиссёр Исамат Эргашев ҳамда Ҳиндистоннинг машҳур режиссёри Умеш Меҳраларнинг икки хил вариантлари кўриб чиқилиб, улардан ягона фильм сценарийси тузилади.Фильмни қишда Деҳлида, баҳорда эса Ўзбекистонда суратга олиш мўлжалланган.

Кино мазмун жиҳатдан ўзбек халқига ҳам, ҳиндларга ҳам хос бўлган севги-муҳаббат сирларининг янги қирраларини очиб беради. Ролларда ўзбек актёрларидан Бекзод Муҳаммадкаримов, Мурод Ражабов, Эркин Комилов, Мадина Мухторова, ҳинд киноюлдузларидан Шохруххон ва Каришма Капурлар иштирок этишга розилик билдиришган.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И.Р.Мавлановни Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Иброҳим Раджабович Мавланов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 октябрь



Владимир ПАНОВ олган сурат

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Пахта Эшматга-ю пули Тошматдан... ми?

— Менимча, фермер хўжалиги ишини ташкил этишда ҳуқуқий саводингиз етишмаган, — дедим шикоятчи Сафарбой Назаровга. Фермер менинг менежерлик ролига киришимга рози бўлди. «Майда-чуйда муаммолар, бир зумда ҳал бўлади», дедим фермерни ишонтириб... табиийки, ўзим ҳам ишонган эдим. Шундай қилиб, фермер билан идорама-идора... сарсонликни бошладик.

— Нега энди минг машаққат билан етиштирган пахтамни шартнома асосида пахта тозалаш заводига сотиб, пулини ундириш учун тўқимачилик корхонаси эшигида сарғайишим керак? — ҳайрон бўлади фермер.

«Тўрткўл оқ олтини» ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Н. Сотимов неча марта такрорланган жавобини яна қайтаришдан эринмайди:

— Буни «Хлопкопром»дан сўранг. Енгил саноат корхоналари билан олди-бердиси бўлса керакда. Шунинг учун пулингиз Тўрткўл тўқимачилик ип-йигирув ҳиссадорлик бирлашмасига ўтган...

Фермер эса тўқимачилик корхонасининг ўтмас матоҳини олгиси йўқ. 1997 йили сотган пахта хомашёси пулидан ўтказилган 110 минг сўмга 3695 метр дока олиб кўрган. Бозорга чиқарди — докани нима қилади, ўғит ўрнига гўзага солиб бўлмаса, молига ем бўлмаса. Ҳар метрини 30 сўмдан олган докани 20 сўмдан сотди. 44 минг сўм зарар кўрди. Яна 1998 йил пахта хомашёси пулидан 30 минг сўмини ўтказишибди. Бир борди, икки борди. Қараса, пул ҳали-бери унадиганга ўхшамайди. Турли баҳоналар эшитади. Масалан, корхонанинг бош ҳисобчиси шундай дейди: ҳамма пахтада. Менда ҳужжат йўқ, эртага келинг...

Фермер менга маҳсулотингиз керак эмас, пул ўтказиб беринг деса, майли ўтказиб берамиз, дейиши мумкин ҳисобчи.

— Қачон ўтказасиз? — сўрайди фермер.

— Ҳисобимизда пул бўлган пайтда. — Бундан осонроқ, бундан масъулиятсизроқ жавоб бўлмаса керак.

Корхонанинг бош директори И. Машарипов эса фермерларни, жумладан С. Назаровни ҳам ўзидан «қарздор» қилиб қўйибди.

— Фермернинг ўғит заводи борми? Машина трактор парки борми? — дейди у ва ўз саволига ўзи жавоб беради.

— Ҳа, баракалла, йўқ. Ўғитни уюшмадан оладими? Демак, фермер уюшмадан қарздор. Ўша уюшмаларнинг мендан 13 миллион сўм қарзи бор.

Сафарбой Назаровнинг «Чори» фермер хўжалиги юридик шахс эканлиги, ҳеч қандай уюшмадан қарздор эмаслигини, қарзи бўлсаям, тўқимачилик корхонасига бунинг ҳеч қандай дахли йўқлигини айтмайлик-да, бош директорга ўхшаб «мантиқан» фикр юритайлик. Ўша мантиққа асосланса, фермер масалан, мана бундай дейиши мумкин: Иброҳим, сен гўшт ейсанми? Сенинг бўрдоқичилик базанг йўқ-ку? Мен туман бўрдоқичилик корхонасига 1996 йилдан буён 1 тонна 315 килограмм гўшт топширганман, пулини сендан ундираман...

Кулгили-я. Албатта, чунки бундай операцияни бажариш учун фермерга бу хилдаги ваколат берилмаган. Пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик корхонасига эса бундай имконият берилганмиш. Шунинг учун ҳам уларнинг иши кулгули ҳам, ноқонуний ҳам эмас... дек туюлади.

— Пулингизни бермаётган бўлса, боринг, тўқимачилик корхонасини судга беринг, — дедилар «Тўрткўл оқ олтини» ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Н. Сотимовнинг жаҳллари чиқиб. — Пул кимда турган бўлса ўша жавобини берсин...

Агар гап судга тақалса, биринчи навбатда судга бериладиган тўқимачилик корхонаси эмас-ов... Умуман, тадбиркорликда андиша ўзингни инқирозга олиб боришдан бошқа нарса эмас. Мана, С. Назаров туман бўрдоқичилик корхонасига 1996 йил 315 килограмм гўштни 5 минг сўмга, 1997 йил 1 тонна гўштни 35 минг 400 сўмга сотган эди. Пулни олиш учун корхонага қайта-қайта қатнаш билан чекланди. Натижаси нима бўлди? Корхона раҳбари бош ҳисобчиси билан неча йил фирибгарлик қилиб, неча миллион сўмни ўзлаштириб юборишди. Албатта жиноятга яраша жазо олишди. Аммо бундан фермерларга нима фойда? Улар мол топширганлиги ҳақидаги квитанция билан икки қўлини бурнига тиқиб қолаверишди. Бўрдоқичилик корхонасига жиноятчилар ўзлаштирган пул қачон ундириб бериладию, қачон фермерларга тўланади?

Гап-сўзларидан, қўлидаги даста-даста бухгалтерия ҳужжатларидан, ёд айтаётган рақамларидан англадимки, Сафарбой Назаровни тасодифий фермерлар қаторига қўшиб бўлмайди. Пахта, гўшт, сут сотиш шартномаларини ҳар йили ошиғи билан бажариб келган.

Фермер билан дастлабки учрашувимда айтган унинг саводхонлиги ҳақидаги гапимни қайтиб олдимда, шу куниёқ менежерлик ваколатимдан воз кечдим:

— Охиригача борсам, балки ойлаб вақт керак бўлар. Ҳозир терим мавсуми, яхшиси ҳосилни йиғиштириб олаётган илғор пахтакорлар ҳақида ёзаман...

— Ҳосилнику териб оламиз. Уёғи-чи?

— Уёғи — сизнинг муаммонгиз, — деб жавоб бердим фермерга. Хайрлашаётиб, мабодо шартнома шартларини бажармаётган ҳамкорлар ва тайёрловчиларни судга бериш борасида қатъий истак туғилса, омад тиладим.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

1994 йил

14 май. Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларда, содир бўлаётган тарихий бурилишларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни ва ҳиссаси, партиянинг ҳозирги фаолияти, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида унинг олдида турган вазифалар ва бошқа кўпгина долзарб масалалар юзасидан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн Марказий Кенгаш биринчи котиби билан суҳбатлашди. Суҳбат матни матбуотда эълон қилинди.

18 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Мажлис XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Пленум, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Ёшлар сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда партиянинг молиявий фаолиятига доир масалани кўриб чиқди.

4 июнь. «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси матнини алоҳида китоб шаклида босмадан чиқарди. Рисолада партия мафкуравий ҳужжатидан ташқари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IX пленумининг шу масалага оид қарори ҳам ўрин олди.

21 июнь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси муомалага киритилиши муносабати билан келиб чиқадиган вазифалар» тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинди.

Июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегацияси бир ҳафта давомида Хитой Халқ Республикасида расмий сафарда бўлиб қайтди. Сафардан кўзланган мақсад — Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси билан танишиш, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдир.

12 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлари бошлиқларининг Алматидаги учрашуви якунлари тўғриси»да қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг Алматида бўлиб ўтган учрашуви катта сиёсий ҳамда тарихий аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Қарор 14 июлда матбуотда чоп этилди.

18 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ҳақидаги ахбороти тингланиб, унинг якунлари маъқулланди.

Июль. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг республикамизда меҳмон бўлиб турган маслаҳатчиси Хироко Ямане хоним Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди. Меҳмонга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, миллий ўзиндентитетини таъминлашга қаратилган сиёсат, Олий Мажлиса кўппартиявилик асосида ўтказилажак сайловларда тайёргарлик ишлари Ўзбекистон ХДПнинг мазкур ўзанлардаги кўпқиррали фаолияти ҳақида гапириб берилди.

11 август. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Австралия либерал партияси Виктория штати котиби Ж. Коннард бошлиқ мазкур штат парламентининг делегацияси қабул қилинди. Меҳмонларга Халқ демократик партиясининг ташкилий тузилмалари, парламент фаолияти, миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилиш борасидаги олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб берилди.

22 август. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди.

М. Расулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби этиб Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келаётган Абдулҳафиз Жалолов сайланди.

25 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XI пленумининг «Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари» тўғрисидаги қарори матбуотда чоп этилди.

Давоми бор.

(Боши ўтган сонларда)

Сайлов ва сайловчи

Депутат наказ бажарувчи эмас...

Сайлов — синов. У халқни синайди. Ўз тақдир-аъмоли, келажагига нисбатан қараши қандай, умуман, халқ ўйғоқми, шу нарсалар синовдан ўтади. Депутатликка номзоди қўйилган кишининг кимлиги, тушунчаси, тафаккур кўлами, фаоллигидан ташқари миллатнинг жамият тараққиёти учун нечоғлик тайёрлиги ҳам аён бўлади. Очиғини айтганда, сайловда биз ўз сиёсий фаоллигимизни имтиҳон қиламиз. Эртамизнинг ёруғлигига масъуллик сезамизми ёки бизга дунёни сув босиб кетса майлими, бу ҳаётга фақат одам кўпайиши учун келмаганмизми, агар руҳан тетик, фикран юксак бўлсак, жамиятда кечаётган жараёнда қай тарзда аралашяпмиз — бари... бари ўз жавобини топади. Чунки бизни жаҳон кузатиб турибди. Диққати бизда.

Сайловда овоз берамиз. Кимга? Ҳар жиҳатдан тўкис, онги-шуури ёруғ, тушунчаси кенг, ватанпарвар инсонга. Хўш, бу одам бизга нима қилиб беради? Нима қилиб берсин — уй қуриб берсинми, йўлимизни асфальтласинми, тўйимизга баковуллик қилсинми? Йўқ, бугун, мен, сиз ва бошқалар ҳаммамиз ўзимиз овоз бераётган номзодга мутлақо бошқа талаб ва масъулият қўямиз? Депутатликка сайланса олий вакиллик органининг қонун яратувчи аъзоси ҳисобланади. Хўжалик наказларини бажариш, шу қўламда айланиб қолиш билан қонун яратиш ишида сиёсий жиҳатдан фаол қатнашиш орасида осмону ерча фарқ бор. Демак, депутат Олий Мажлисимиз сессияларида Миллат, Ватан, келажак тараққиётининг тимсоли бўлиб сўзлайди, фикрлайди, амалий ишга қўл уради. Демак, депутат миллатнинг бутунлиги, юртнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши, келажакнинг ёруғлиги, тараққиётимизнинг янада юксалиши учун Парламент минбарида ўз фикрларини асосли равишда айта оладиган, яратилаётган қонунларнинг мукаммал бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшадиган етук инсон бўлади. Демак, депутат истиқлолимиз барқарорлиги ва бардавомлиги учун сиёсий майдонга тушган шахс. Депутат барча соҳалардан бохабар зот. Депутат ҳар қандай масалага юрт истиқболи нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошадиган, ўрни келса талашибтортишадиган, ўз қарашларини ўтказа оладиган вакил. У Парламент аъзоларига ҳар қандай масала бобида асосли мулоҳаза билдира оладиган, керак бўлса, уларни ишонтира оладиган, муҳокамага қўйилган мавзуни ўта ҳушёр ва сергаклик билан англаб Парламентимиз нуфузини янада оширадиган сиёсатдон ҳамдир. Депутат мен депутатман деб одамларга ўзини кўрсатиб қўядиган эмас, балки менинг елкамда тоғдай оғир юк бор, бу Ватан ва халқ юки, бу юк менинг зиммамга юклатилган экан, энди уни кўтаришим керак, йўқса, одамлар олдида ер чизиб, бошим эгилиб қолади, депутатлик имтиёз эмас, балки халқнинг имтиҳони деб қараши шарт. Бугун Парламент залида ҳар жиҳатдан юқори, тўкис, маънавият булоғи соф, шуурида қуёш чарақлаган зукко кишилар ўтиришга ҳақли. Фақат шундай кишилар Парламент минбарида сўзлашга лойиқдирлар. Бу муҳим масала. Бунга эришмоқ учун яна бир карра сайловчиларнинг сиёсий жиҳатдан фаоллиги, онглилигига эътибор қаратишимиз керак. Сайловчи ҳушёр бўлса, депутатлар сафи ҳам сергак, имонли, сермулоҳаза кишилардан иборат бўлади.

Куни кеча ўзим туғилиб ўсган қишлоққа бордим. Ҳамқишлоқларимдан сўрадим — кимга овоз бераяпсизлар? Фалончивойга. Яхши... Нега айнан у кишига? Бизга уруғчилиги бор, бегона эмас. Эҳ, мана сизга... Сайловчи ўз номзодининг савияси, саъй-ҳаракати, тушунчаси, дастури билан умуман қизиқмаяпти. Нима қилиб бўлса ҳам ўз уруғи, яъни, қариндошини ўтказмоқчи. Ўша киши депутат бўлса бас. Қачон шундай майда-чуйда биқиқ фикрлардан қутуламиз? Қачон маҳаллийчилик касалидан фориғ бўламиз?! Мамлакат тақдири, ўсиш, тинчлик ва келажак ҳақидаги гап қаерда-ю, фалончи депутат бўлса яхши, менинг уруғим-да, қавмим-да, деган гап қаерда... Майли, ҳаммамиз ҳам ўз қариндошимизни, яқинларимизни яхши кўрамиз. Лекин уларнинг фикри, қараши, айтар гапи ҳамиша ҳам бизга маъқул келавермайди-ку. Ёки мансабдор қариндошимизнинг калтафаҳмлигини ҳис қилсак-да, унинг бундай хислатини ё кўрқиб, ёки ҳурмат қилиб юзига айтолмаганимиз, демак қариндошимиз ақлли деган хулосани бермайди-ку? Буни ўзимиз ҳам яхши биламиз.

Ҳеч ўйлаб кўрдикмикин? Худди шу жойдан аввалларида ҳам депутат сайлагандик — нима ўзгарди? Туманимизда қандай ўнгланиш юз берди? Майли, Сизнингча бўлсин. Сиз сайлаган депутат ундай қиламан, бундай қиламан деб ваъдалар берди. Хўш, бугун-чи? Ўзингиз кўриб турибсиз. Беш йилда тилга оларли ўзгариш рўй бердими? Тўғриси, XXI аср бўсағасида туриб қишлоққа газ келтирилиши, йўлнинг асфальтланиши, телефон ўрнатилиши, энди... янгилик эмас. Шу ишларни депутат бўлмаган одам ҳам қила олиши мумкинлигини, ўзингиз кўриб-билиб турибсиз. Агар раҳбар тадбиркор, ишчан, элпарвар, тушунчаси бор, замон талабини яхши билса, англаса, албатта, бунёдкорлик, фаровонлик йўлларини излаб топади. Бунинг учун депутат бўлиш шарт эмас...

Бугун ўта жиддий синов арафасидамиз. Вилоятларимиздаги сайлов округларида асосий босқич ўз натижасини бераяпти. Тақдим этилган номзодлар Марказий сайлов комиссиясидан рўйхатга олинаяпти. Яна бир масала, вилоятлардаги сайлов округлари фаолияти марказий нашрларда етарлича ёритилмаяпти ҳисоб. Энди сайловолди ташвиқот ишлари бошланади. Бу эса матбуотнинг зиммасида. Шундай бўлгач, республика газеталарининг вилоятлардаги мухбирлари ҳам мудрамасдан, дадил ҳаракат қилишлари зарур.

Хуллас, номзоди депутатликка кўрсатилган киши энг аввало ўз имкониятини чамалай оладими, у нимага қодир, унга ишонсак бўладими, ана шундай саволлар бизни доимо сергак этса, ёруғ маънода безовта қилса, биз кимга овоз бераётганимизни яхши англаймиз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Етти йиллик «танаффус»дан сўнг

Дўстлик тумани деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш шартномавий режаларини бажардилар

Бундан етти-саккиз йил муқаддам бу туман нафақат Жиззах вилоятида, балки республикадаги кўзга кўринган, иқтисодий жиҳатдан бақувват туманларнинг бири эди. Афсуски, қатор йиллар давомида ҳукм суриб келган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги жиддий камчиликлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишда йўл қўйилган нуқсонлар натижасида туманнинг иқтисоди издан чиқди. Аҳвол шу даражагача бордики, туман бўйича йиллик пахта тайёрлаш режасининг бажарилиши 45-50 фоиздан, гектар ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 10-11 центнердан ошмай қолди.

Вазиятни қўлга олишнинг, қолоқликдан чиқишнинг, туманнинг аввалги шуҳратини тиклашнинг иложи борми? Вилоят ҳамда туман раҳбарларини, фаолларни шу ўй, шу фикр қийнай бошлади. Шу йилнинг бошларида туман ҳокими этиб тайинланган Сайфиддин Исмоиловга ҳам дастлабки кунларданоқ шу масала тинчлик бермай келди.

Янги ҳоким фаоллар, кўпни кўрган кишилар, уста деҳқонлар билан кўп ва хўп кенгашди. Ниҳоят «Одамларнинг кайфиятини кўтариб, ишга иштиёқини уйғотиш, бунинг учун эса ишлаганга иш ҳақини вақтида бериш зарур. Токи меҳнат қилган деҳқон меҳнатидан, албатта, манфаат топсин» деган қарорга келинди.

Шу тарзда 12 та хўжалик, 300 дан ортиқ фермер хўжаликларининг аксариятида мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ишларига ҳам ҳар галгидан бошқачароқ тарзда ёндошилди. Териб топширилган пахта учун ҳар беш кунда ҳақ тўланиши қатъий назоратга олинди. 34 та «КЕЙС» русумли терим агрегатлари, 10 минг нафардан ортиқ теримчилар кучи билан ҳар куни йиллик режага нисбатан 3-3,5 фоиз пахта тайёрлана бошланди.

Дастлаб Хўжам Исроилов номли ижара ширкатлар бирлашмаси пахтакорлари зафар маррасига етиб келди. Сўнгра «Оқ олтин», «Халқобод», «Манас» хўжаликлари ҳам ғолиблар қаторига қўшилди.

Туман қабул пунктларига 47200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Етти йиллик «танаффус»дан сўнг йиллик шартномавий режанинг бажарилганлиги тўғрисидаги хабар элни суюнтирди. 17700 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ошириб қимматбаҳо саноат хомашёси териб олинди. Бир йилдаёқ ҳосилдорлик 16 центнерга кўпайди. Ўтган йил якуни билан туман пахтачиликдан 1 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд зарар кўрган бўлса, ҳисоб-китобларга қараганда бу йил камида 2 миллиард сўм даромад олиниши кутилаяпти. Насиб этса қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўладиган кунлар келганга ўхшайди.

Далаларда ҳали ҳосил кўп. Туман деҳқонлари бор ҳосилни охирги мисқолларигача териб олиб, тайёрлов пунктларига яна 2800 тонна пахта етказиб беришга ва шу тарзда ялпи ҳосил салмоғини 50000 тоннага етказишга азму қарор қилдилар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Суратларда: 1. Илғор пахтакор Омон Қувватов. 2. А. Қулбеков номли жамоа хўжалиги аъзолари. 3. Хашарчи қизлар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Эътирозга ўрин йўқ

«Пахта — 99»

Сурхондарёда одамларнинг этак боғлаб пахта теримига чиққанига бир ярим ойдан ошди. Негаки, тирикчилиги даладан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «терилган бир килограмм ўрта толали нав пахта учун — камида 8 сўм, ингичка толали пахта учун — 9 сўм; терилган 1 килограмм ўрта толали уруғлик пахта учун — камида 10 сўм; ингичка толали пахта учун — 12 сўм тўлансин», дейилган. Биз жойларда бўлганимизда айрим бригада теримчилари, ҳашарчилар шикоят қилишди. Уларнинг айтишича, 8 сўмдан эмас, 7 сўмдан ҳақ олишаётган экан. Теримчилар хўжалик ҳисобчилари, бригадир ва тарозибонлардан порози эканликларини ҳам айтишди. Биз айрим хўжаликларда теримга ҳақ тўлаш бўйича сўраб-суриштирдик. Бу масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида вилоят «Пахта банки» бошқарувчиси Эгамберди Тангриқуловга мурожат қилдик.

— Жойларда терим ҳақини вақтида беришмаяпти, деган гапда жон бор. Айрим хўжаликларда 25 августда теримга тушишган бўлишса, давлатга пахта топшириш бўйича расмий маълумот 14 сентябрь куни илк бор эълон қилинди. Юқоридан пул эса хирмонда турганига эмас, давлатга топширилган, маълумотномага киритилган пахта учун берилади. Яна теримчиларнинг терган пахтаси бўйича ведомость тегишли жойга топширилмаса пул берилмайди. Бу аниқ нарса.

Биз уч-беш кунликда терилган пахта пулини 16 сентябрь куни бердик. Шунингдек, кейинги 5 кунликнинг пули 20 сентябрда тарқатилди. Ўшандан бу ёғига ҳар беш кунликда теримчиларга пул бериб борилаяпти. Кам тўланаяпти, дейилишининг боиси бор, албатта. Ўтган йили теримда олинган меҳнат ҳақидан фақат охирги беш кунликда ушлаб қолинган. Бу эса ўзини оқламади. Шу сабабли бу йил пенсия фондига икки фоиз, меҳнат биржасига бир фоиз ва бошқа айрим солиқлар ҳар беш кунликда жойларда ушлаб қолинаяпти. Ана шу ҳисобда вилоят бўйича олиб қаралганда, ҳар бир килограмм пахтага хўжаликлар томонидан тўланаётган пул 6,5 сўмдан тушаяпти. Ахир бу солиқлар ҳам қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун олдида ҳеч ким бўйин товлай олмайди.

Шуҳрат НОРМАТОВ — вилоят «Пахта банки» пул муомаласи ва касса жараёнлари бўлими бошлиғи.

— Аслида даромад солиғи 4 минимал окладгача бўлган миқдордан ушланмаслиги керак. Агар бир минимал ойлик миқдори 1750 сўм бўлса, бу 7000 сўмдан ошгандан сўнг даромад солиғи ушланади деган гап. Лекин жойларда бунга амал қилинмаяпти. Яқинда Бойсун туманида бўлган йиғинда ҳам шу масала бўйича солиқчилар билан тортишиб қолдик. Энди хўжаликларда даромад солиғи 15 дан 25 фоизгача ушланади менимча. Бу энди бошқа мавзу. Пахтага тўланадиган пулга келсак, бу масала ўз вақтида ҳал этилаяпти. Дейлик сентябрь ойи мобайнида, 1 миллиард 636 миллион сўм тарқатилган бўлса, октябрь ойининг 16 кунига қадар жами 2 миллиард 171 минг сўм нақд пул меҳнаткашларга тўланди. Очиғи, пахтакорлар терим учун тўланаётган маблағдан хурсандлар. Энди уруғлик пахта учун аввалига 8 сўмдан тўланган бўлса, кейинги беш кунликда қолдиқ икки сўм қўшиб берилди. Бу борада ҳам ҳеч қандай муаммо йўқ.

МУХБИР ИЗОҲИ. Дейлик, бўлим ёки хўжалик ҳисобчиси ҳар бир теримчининг 5 ёки 10 кунлик терган пахтасини жамлаб ҳисобот китобчасида тегишли солиқларни ушлаб қолгач (албатта иш ҳақи миқдорига қараб) тегишли суммани рўйхатга (тўлов рўйхати) кўчиради. Бунда терилган пахтадан ифлослиги, ҳўллиги учун маълум фоизлар қайтарилган бўлади. Теримчи эса кунлик терган пахтасини ён дафтарига ёзиб боради. Теримчининг беш кунлик иш ҳақига кўра ён дафтаридаги ўзи терган пахта миқдори шу сабабларга биноан тўғри келмаслиги, табиийдир. Бошқарувчи айтганидек, қонун олдида барча баробар. Демак, эътирозга ўрин йўқ.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Адолат ва ҳақиқат йўли

Фориш тумани прокурори Фарҳод Қулматов билан суҳбат

— Фарҳод ака, мамлакатимиз раҳбари «Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт», деганди. Бу тамойил шубҳасиз, ҳуқуқ посбонлари учун дастуриламалдир. Шундай эмасми?

— Албатта. Ҳуқуқий демократик жамиятда қонун устувор бўлиши шарт. Шу маънода мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида дадил қадамлар қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокуратура органларининг вазифалари, ваколатлари, фақат ва фақат қонунчиликка риоя этиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш аниқ кўрсатилган. Қонун устуворлиги таъминланса, тартиб-интизом бўлади, ҳуқуқбузар ҳам ўйлаб ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан ҳозирда амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексининг пишиқ-пухта тайёрланганлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва пайини қирқишда жиддий қадам бўлди. Гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар, ўғрилик, босқинчилик қилган, одам ўлдирганлар, гиёҳванд воситалари ва наркотик моддаларни ғайриқонуний сотганлар, транспорт воситаларини олиб қочганлар қаттиқ, аммо адолатли жазоланадилар. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, адолат ва ҳақиқат қонунчилигимиз бош йўналишига айланди.

— Ҳуқуқбузарликнинг пайини қирқиш ва жиноятчиликка қарши курашда Фориш туманида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Туманда ҳуқуқбузарлик сезиларли даражада камайди. Жиноий иш қўзғатиш жараёни устидан прокурор назорати кучайтирилди. Мақсад — биронта ҳам фуқаро айбсиз жавобгарликка тортилмасин, ҳуқуқбузар эса жазосини олсин. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқ-тартибот органлари маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликни кучайтиришлари лозим. Негаки, жуда кўп масалаларни шу ернинг ўзида ҳал қилса бўлади. Туман аҳолисининг асосий қисмини муқим яшайдиганлар ташкил қилади. Улар бирбирлари билан аҳил, ҳатто ота-боболаригача танишади. Бу ҳам ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликлар, маҳалла қўмиталари, мактабларга чиқиб тушунтиряпмиз: аҳил бўлайлик, тинч бўлайлик, деб.

Айниқса, бу борада масъулият маҳалла қўмиталари зиммасига ҳам кўпроқ тушади. Айтайлик, ҳуқуқбузарнинг иши терговга, сўнгра судга оширилса яқин қариндошлар ўртасига совуқчилик тушиб, низо янада кучаяди, ҳатто улар юз кўришмас бўлиб кетишлари мумкин. Сен ёки боланг туфайли жазога тортилдим, деган гап яқинларни бир-бириндан ажратиб ташлайди. Иш шу даражага бориб етмаслик учун маҳалла қўмиталари ҳар бир хонадондан кўз-қулоқ бўлиб, ўзаро келишмаётганларга тўғри маслаҳат бериб, яраштириб қўйсалар қандай яхши бўларди. Ҳар бир нарсага, ҳар бир ишга масъулият билан қараш керак.Шундагина ортиқча гап-сўзлар бўлмайди.

— Туман асосан ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Қолаверса, бу ернинг ўзига хос шарт-шароитлари бор. Сўрамоқчи бўлганим шуки, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури кўпроқ учрайди?

— Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай. Вилоят ҳудудининг ярми Фориш туманига тўғри келади. Ўзига хос табиатга, географик жойлашувга эга. Саволингизга келсак, туманда асосан ўғирлик ҳамда чорва молларини талон-торож қилиш ҳоллари нисбатан кўпроқ учрайди. Туман прокуратураси томонидан «Қизилқум», «Боғдон» ҳамда «Фориш» ширкатлар уюшмасида чорва молларининг сақланишига қаратилган қонун талабларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганда барчасида майда

шохли моллар камомади борлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан прокуратура томонидан 12 та жиноий иш қўзғатилди. «Фориш» ширкатлар уюшмасида чўпон бўлиб ишлаган Шарифбой Исканов ҳам чорва молларини нобуд қилгани, камомадга йўл қўйганлиги учун қонун олдида жавоб берди. «Чимқўрғон» ширкатлар уюшмасида содир этилган қонунбузарлик ҳам шунга ўхшаш. Мазкур уюшмада бош чўпонлик қилган Нурдаулет Минбаев моддий жавобгар шахс бўла туриб, қўй ва эчкиларни қаровсиз қолдириб нобуд қилган ҳамда маълум қисмини ўз эҳтиёжи учун сўйиб юборган. Натижаси маълум. Масъулиятсизлиги учун у ҳам судланди. Чорва молларининг талон-торож қилинганлигига яна бир мисол. Сапарбек Баратов «Чимқўрғон» ширкатлар уюшмасида бош йилқибоқар бўлиб ишлаган. Моддий жавобгар шахс. Бироқ, вазифасига совуққонлиги ва масъулиятсизлиги туфайли кўплаб отларнинг нобуд бўлишига сабабчи бўлган. Унинг бу масъулиятсизлигидан уюшма катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Устига-устак у ҳам «бўри»лик қилган. Ўз эҳтиёжи учун отлардан сўйиб юборган. Текширишлар давомида камомаднинг тўлиқ миқдори аниқланди ҳамда иш судга оширилиб айбдор тегишли жазосини олди.

Шундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам ўрганилди. Маълум бўлишича, чўпонлар ўзларига ишониб топширилган чорва моллари парваришига эътиборсиз, сақланишига лоқайд бўлишган, мол бош сони ҳисоб-китобини олиб бормаганлар. Хўжалик раҳбарлари ҳам масъулиятсизлик қилишган. Чўпонлар иши билан қизиқмаган. Оқибати эса юқорида айтилгандек.

— Фарҳод ака, одамлар прокуратурани қонуний манфаатлари ҳимоячиси деб билади...

— Албатта шундай. Туман прокуратураси ходимлари «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликка қарши курашни ўзларининг бош вазифалари, деб биладилар. Шу маънода прокуратура томонидан фуқароларнинг ариза-шикоятлари ўрганилади ва қонуний ҳал этилади. Бирон кишининг ҳуқуқи паймол этилишига йўл қўйилмайди.

— Шу ўринда сўрамасам бўлмас, биз ҳуқуқимизни талаб қилишни биламиз, бурчни эса..

— Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгиланган. Ҳуқуқини талаб қилиш яхши, аммо бурчни ҳам унутмаслик лозим. Кузатишларимдан шундай хулосага келдимки, баъзи шахслар бурчидан манфаат кўрсагина бурчини бажаради. Бўлмаса йўқ. Айтайлик, холис гувоҳликдан қочиб бурчини бажармайдиганлар учраб туради. Баъзида бўлса-да давлат ва жамият, оиласи ва ота-онаси олдидаги бурчини адо этмаслик ҳоллари бор. Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг бурчи, ундан бўйин товлаганлар қонун олдида жавоб берадилар.

— Ҳуқуқий демократик давлат тузиш ҳақидаги фикрларингиз?

— Аввало, бунинг учун шу жамият аъзоларининг ҳуқуқий билимини, онгини ошириш керак. Ким бўлишидан ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамма қонунни билиши, уни ҳурмат қилиши лозим. Сир эмас, бизда ҳали одамларнинг ҳуқуқий билими мақтагулик эмас. Бунинг учун кўпроқ ўқиб-ўрганиш керак. Қолаверса, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий ташвиқот ишларини янада жонлантириш даркор. Негаки, ҳозирги замонда ҳуқуқий билим ҳар қадамда асқотишини ҳаёт кўрсатаяпти.

Яна бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз. Сўнгги йилларда юртимизда маънавият масалаларига катта эътибор берилиб, бу борада амалий қадамлар ташланмоқда. Назаримда бу жуда тўғри иш. Негаки, маънавиятли инсонлар бугун ҳар қачонгидан кўпроқ керак. Чунки, маънавияти юксак инсонлар билан ҳуқуқий демократик жамият қуришимиз осонлашади ва шубҳасиз қонунбузарликлар ҳам камаяди.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Равшан ШОДИЕВ
суҳбатлашди.

Ўзбекнинг баранча каломи

Миллат ва маънавият

Сўз боши — ассалом, дейдилар. Одамлар орасидаги барча лафзу калом шундан бошланади. Лафзимизни тозалашга киришар эканмиз, буни «Ассалому алайкум!» деган илиқ каломдан, саломлашиш одобидан бошласак, тўғри бўлади албатта. Чунки салом — тилимиздаги барча сўзларнинг онабошисидир.

«Ассалому алайкум» калимаси, гарчи бизга араб тилидан кириб келган бўлса-да, ҳозир арабларнинг ўзида ҳам у биздагидай кўп ва кенг қўлланилмайди, араблар ҳам, исломга эътиқодли бошқа кўп халқлар ҳам «эрталабки салом», «хайрли оқшом» сингари калималарни кўпроқ истифода этадилар. Ана шунақа омонлашиш бир қанча туркий халқларда ҳам етакчилик қилишини назарда тутсак, «Ассалому алайкум»ни кундалик ҳаётда энг кўп қўллайдиганлар — биз ўзбеклар бўлиб чиқамиз. Ўзбек кишиси ким билан, қачон, қандай шароитда учрашмасин, оғиз очиб айтадиган илк сўзи «Ассалому алайкум!» бўлади.

Бизда салом — меҳр-оқибат, кўнгил яқинлик белгиси. Шунинг учун ҳам бир-биримизга ёзган мактубларимиз асосан салом айтиш ва ҳол сўрашдан иборат бўлади. Аскар болаларнинг уйига ёзган хатлари кўпинча «Саломнома», «Салом мактуби» деб номланадики, бу ҳам ўзбек халқига хос меҳр-оқибатнинг, жигаржонликнинг гўзал бир тажассуми.

Аммо шундай йиллар бўлдики, «Ассалому алайкум» диний калима деб баҳоланиб, «Привет», «Здравствуйте» каби тоқа сўз — «Салом!» га келтирилди. Тазйиқ ва тинимсиз тарғибот натижасида одамлар кундалик турмушда ҳам, кинода ҳам, китобда ҳам фақат «Салом!» деб кўришишлари шарт эди. «Ассалому алайкум» ёлғизлатилиб, «Салом» билан кифояланилган даврда умуман ўзбек тилининг бошқа сўз ва ифода бойликлари ҳам шунга мос даражада ғариблашди. Ана шу жиҳатдан «Ассалому алайкум»ни тилимизнинг бир ойнаси деса ҳам бўлади — ўзбек тилининг қадри, мавқеи бу азиз калиманинг мақоми билан баббаравар тикланиб борди.

Хўш, ҳаммага яхши маълум бу гапларни нима учун яна эслаяпмиз? Гап шундаки, кейинги беш-ўн йил ичида баъзи ўзга халқ вакиллари ҳақида гап кетганда, «шу юртда йигирма-ўттиз йиллаб яшадилар, аммо ўзбек тилида лоақал бир оғиз саломлашишни ҳам ўрганмадилар» қабилида дашномлар, таъналар кўп айтилди. Буку, ҳақ, аммо ўзларимиз ана шу салом-алик қоидасини қанчалик эгаллаганмиз? Гап шу ҳақда. Ўзбекларда саломлашиш ва кўришиш бир лаҳзада ўтиб кетадиган шунчаки мулоқотолди бир нарса эмас.

«Ўткан кунлар»да Кумушнинг Юсуфбек ҳожи хонадонига келганида кўришув маросимини эсланг. Кумуш қайнонаси Ўзбек ойим билан кўришганида паранжисини ерга ташлаб, югуриб бориб ўзини Ўзбек ойимнинг қучоғига ташлайди, қайин отаси Юсуфбек ҳожига уялибгина салом беради (Юсуфбек ҳожи эса унинг манглайига текизиб олиб ўз қўлини ўпади), Зайнаб иккаласи озорсизгина кўришадилар... Бу кўришишларнинг ҳар бири алоҳида ва ўзига хос, уларнинг ҳар бирида Шарқимизнинг бир дунё маъно англатишга қодир нафосати мужассам.

Ҳозир баъзи бир келинчакларнинг қайнотасига ҳам ҳеч ийманмай қўл бериб кўришишларини ҳатто риояандиша издан чиққан баъзи «замонавий» оилаларда бўлса, кўришганлари шарафига қадаҳ чўқиштириб шампан ичишларини эсласак, орадаги тафовут ер билан осмонча бўлиб кетганини кўрамиз. Эллик йилда эл янгиланади, деганларидай, бизнинг яқин ўтмишдаги байналмилаллашув жараёни ана шунга олиб келди. Аммо Кумуш — ўзбек қизлари учун бир идеал, гўзал хулқу ҳаёнинг намунаси бўлар экан, ойим қизларимиз ҳар бир хатти-ҳаракатда «шу ўринда Кумуш нима қилган бўлар эди» деган андишадан келиб чиқиб иш тутсалар, айни муддао бўларди.

Неча юз йиллар мобайнида синалиб, урфга айланган расму қоидаларимиз — маънавий қадриятларимиз бор, уларга сўнгги бир аср давомида йўл бериймай келган бўлса-да, тамом унутилиб ҳам кетмаган. Ана шулардан бири — тавоф қилиб кўришишдир. Бунда аёл киши ўзидан ёши катта эркак қариндоши билан узоқ вақтдан сўнг кўришган чоғида унинг бир елкасини икки кафти билан силаб тушиб, қўлларини юзига суртади.

Балким бу айримларга ҳозир эриш туйилар, бироқ мушфиқ оналаримизнинг ёш гўдакни суйиб, юзидан ўпиб қўйишлари, бола улғайгач унинг пешонасидан ўпиб, ё бўлмаса елкасига қоқиб сўрашишлари нечоғлиқ ёқимли бўлса, рўзғор тутган қизларимиз улуғ ёшли эркак қариндоши ёки қайнота ва қайноғалари билан кўришган чоғида эҳтиром билдириб тавоф қилишлари шунчалар табиий ва тўғри бўлар эди.

Албатта, ҳар бир одамнинг қўлидан ушлаб, бошига муштлаб, «саломни бундай беришинг шарт» дейиш мумкин эмас. Аммо бутун эл-юртнинг кўз олдида турадиган, ўз маънавияти билан унга ибрат бўладиган биродарларимизга баъзи эътирозларни мулоҳаза тариқасида айтиб ўтсак.

Яна бир гап. Ҳозир кўчакуйдами, ишхонанинг йўлагидами, ишқилиб бирон танишингиз билан саломлашсангиз, ёки нотаниш бировга салом берсангиз, эвазига «Ваалайкум ассалом!» ўрнига худди ўзингизникини қайтариб бергандай, «Ассалом алайкум!» ёки «Саломалайкум!» деб жавоб қайтарадиганлар кўпайган. Алик ўрнига саломнинг ўзи қайтиб келса, ўрганмаган одамга худди саломи қабул бўлмагандай туйилади. Аслида, бу бизда ўрисчага тақлидан пайдо бўлган: улар «Здравствуйте!»га жавобан «Здравствуйте!» деб, «Доброе утро!»га «Доброе утро!», деб алик қайтаришади. Шу тариқа, «Добрий день»га, «Добрий день!», «Добрий вечер!»га «Добрий вечер!», «Привет!»га эса «Привет!» дегани алик ўрнига ўтади. Русча мактабни битирган, русча ўйлаб, ўзбекча сўйлайдиган ёшларнинг аксарияти саломнинг алиги ҳам ўшанақа тартибда бўлса керак, деб фикрлаб, «Ваалайкум ассалом»ни оёғини осмондан келтириб алик оладилар. Таажжубки, янглиш тасаввур асосида юзага келган бу ҳолат оммалашиб, ғалати машҳурга айланаяпти, тили сиз билан биздан бурро одамлар ҳам бу ҳурмат белгиси бўлса керак, деган мулоҳаза билан шунақа «алик» оладиган бўлишган.

Саломлашиш ва кўришиш миллий тийнат (менталитет)нинг муҳим белгиси бўлар экан, аслан бир бутун ва истиқлол туфайли алоҳида давлатга эга бўлиб, янада жипслашаётган ўзбек элининг бу борадаги энг гўзал удумларини жамлашимиз, оммалаштиришимиз айни муддао бўлар эди.

Масалан, саломлашиш асносида қўл бериб кўришишни олиб қарайлик. Бу масалада баъзи олимлар, қадим замонларда ибтидоий одам рўпарасидан келган кишига нисбатан ёмон ниятда эмаслигини англатиш учун кафтини очиб кўрсатиб, унда тош ёки тиғ йўқлигини билдирган, сўнг улар кафтларини бирлаштиришган, саломлашганда қўл бериш одати шундан қолган, деб талқин этадилар. Бир замонлар шундай бўлган бўлса, эҳтимол. Бироқ кўришганда қўл бериш одатининг бундан кўра асослироқ бошқа сабаби бор — тиббиётчилар айтадики, одамнинг қўл кафтида ҳам худди оёқ кафтида бўлгани каби, бир талай асаб нуқталари жойлашган, қўл қисиб кўришганда биз ўша нуқталарни қўзғатиб, биродаримизнинг кайфиятини кўтарамиз, ўзимизга мойил этамиз.

Шундай экан, қўл бериб саломлашиш фақат иккала киши истаги ила жоиз бўлмаса, ҳурмат билан берилган салом ва унинг алиги кифоя. Замонавий психологлар ҳам қўл ушлаб кўришиш ўзга бир одамнинг аурасига ёриб кириш бўлиб, у айни пайтда киши кайфиятини нафақат кўтариш, балки туширишни ҳам мумкин, деб ҳисоблайдилар. Хусусан, уй тўла меҳмонлар ҳузурига хонадон соҳибининг тирмизак ўғли кириб, бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқиши кабилар жилла ўринли эмас.

Теранроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, халқимизда болага одобни, муомалани ўргатишнинг бутун бир тизими шаклланганининг шоҳиди бўламиз. Ёлғиз кишининг кўпчиликка, кичикнинг каттага, юриб борувчининг ўтирган кишига, отлиқнинг пиёдага салом бериши, икки киши ўзаро кўришганида эса сарбаст юриб бориб, ё бир қўллаб (иккинчи қўл кўкракда) ёки қўшқўллаб кўришиш, бунда орада камида бир киши сиққулик масофа қолдирган ҳолда ўзаро самимий табассум билан боқиб омонлашиш бизларга хос.

Аммо кейинги даврларда йигитлар орасида ҳам, қизлар орасида ҳам ғалати-ғалати кўришишлар расм бўлиб келаётибди. Эркакларнинг қўл бериб кўришиш чоғида баъзи шарқ халқлари вакили сингари юзларини текизиб қўйишлари ёки қучоқлашиб ўпишишлари, ё бўлмаса кечагина кўришган қиз-жувонларнинг бугун ҳам «мода» мажбуриятига кўра маълум саноқлар билан тағин чўлпиллатиб ўпишиши — булар бачкана, бизга бегона, ортиқча... Айтадиларки, ҳар бир жувоннинг юзида ўз эрининг — бошқаларга номаҳрам бир эркакнинг нафаси бор, бу нафасни бошқаларнинг туйиши дуруст эмас.

Бизда саломлашиш, одатда сўрашиш билан бирга кечади — одамлар ўзаро кўришган чоғларида бир-биридан аввало сиҳати, аҳвол-руҳияси, қолаверса, яқинлари (ота-онаси, болачақаси ва ҳоказо)нинг тинч-омонлигини ҳам бафуржа сўраб омонлашади.

Ҳатто айрим гўшаларда бу таомил шу қадар шаклланганки, салом — кичикдан, алик — каттадан, аммо сўрашиш каттадан бошланади ва катта сўрашиб бўлганидан кейин, ёши кичик одам камтарлик ва ҳурмат юзасидан каттадан бир қатла орттириброқ ҳол-аҳвол сўраб чиқади. Шунинг учун нотаниш тенгқурлар қўл бериб кўришиб бўлишгач, бири иккинчисидан «Сўранг» (яъни Сиз улуғроқсиз), униси эса «Йўқ, сиздан бўлсин» (Сиздан аввал сўрашсам, беҳурматлик қилган бўламан) деб камтарлик қиладилар...

Аммо бу борада ҳам ислоҳталаб жиҳатлар бордай. Чунончи, айрим опахонларимизнинг кўча-кўйда, бирон йиғинда ёки автобусда кўришиб қолган чоғларидаги азбаройи «ким ўзарга» сўрашишларини олиб қарайлик. Бунда кўпинча сўралаётган кимсанинг аҳволига сўраётган одам мутлақо қизиқмайди, айтайлик, «Абдували эсон-омон юриптими?» деб сўраса-ю, сиз Абдувалининг чет элга ўқишга кетганини айтмоқчи бўлсангиз, овора бўласиз — кеннойи бу орада Муҳаммадалининг, Моҳира опанинг, Лола қизу қайнотангизнинг аҳволларини пайдарпай сўраётган бўлади.

Буям — ҳолва. Бир танишимизнинг қизи келин бўлиб тушган хонадонда антиқа таомил расм экан. Телефон жиринглаб қолса, албатта уни келин бола олиб жавоб бериши, қўнғироқ қилувчи қариндошлардан бўлса, албатта ўша оиладаги одамларни номма-ном айтиб ҳол сўраши, пировардида ҳар бирига бирма-бир салом айтиб қўйишни тайинлаши керак экан. Бу хонадонга келиб тушганига ҳали бир ой ҳам тўлмаган, куёв томоннинг ўнлаб оилалардаги қариндошларини ҳали кўриб-таниб олишга улгурмаган ёш келинчак тутилиб қолса, ё янглишиб, бошқа оиладаги одамлардан бирон-тасининг номини айтиб сўраса, қайнонасидан эшитадиганини эшитиши нақд экан. «Ойижон, кечиринг, айб менда, билмай чалкаштириб юборибман» деса, яна балога қолади («Нега янглиштирасиз, ахир ман сизга ҳаммани бир-бир айтиб берувдим-ку»). Келин бечора, ноилож бир «шпаргалка дафтар» тутиб, унга қуда томоннинг ҳамма уруғлари номини ёзиб олиб, то дурустроқ таниб-билиб олгунича бешолти ой телефонда ҳалиги матоҳнинг керакли саҳифасини ўқиб, ҳол сўраб юрган экан. Бундай номига сўрашиш самимий эмаслигидан ташқари, ўртадаги бор-йўқ самимиятни ҳам супуриб ташлайди...

Ўзбекларда саломга, кимнинг қачон, қандай жойда, қандай ҳолатда салом бериши кабиларга ниҳоятда қаттиқ эътибор қилинади. Ҳатто энди тили чиқиб келаётган гўдагининг чулдираб берган беҳисоб саволларига жавоб қайтаришга камҳафсала эринадиган одамлар ҳам фарзандига саломлашишни ўргатишга вақтини сира аямайди. Кундалик турмушнинг ўзидагина эмас, балки болаларнинг дил тубига жо бўлиб кетган ўнлаб ўзбек эртакларида ҳам салом беришга даъват мужассам: Зумрад қизнинг саломи ёлғиз яшайдиган мунис сеҳргар онахоннинг кўнглини юмшатиб, яхшиликлар эшигини очади, ботир боланинг саломига ҳатто девлар ва ялмоғизлар ҳам алик олиб, «Саломинг бўлмаганида, икки ямлаб бир ютардим» дейди...

Аслимизга, ўзлигимизга қайтмоқчимиз, асл миллий анъаналаримизни тиклашни дастурий йўл деб танлаганмиз. Буни ҳозир, шу кунларда амалга оширишимиз керак. Қанча пайсалга солсак, шунча кеч бўлади.

Зуҳриддин **ИСОМИДДИНОВ**

Умид куртаклари

Бу йигитчалар асли Қашқадарёдан, боболари Амур Темур юртидан. Бири 11, иккинчиси 10 ёшда. Салкам Мустақиллик тенгдошлари деса ҳам бўлади. Аслида ҳур Ватан, истиқлол фарзандлари. Болакай бўлишларига қарамай, аллақачон жаҳонгашта бўлиб олишган. Кичигини Бекзод, «улуғини» Улуғбек деб аташган. Буваларининг Нафас бобо, Нафасов. Зеро, бу исмнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, яъни болакайларнинг мураббийлари, республика каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасовга дахли йўқ. Дейишимизнинг боиси улар бор-йўғи устоз-шогирд. Шогирд бўлганда ҳам...

Болалар 1997 йили Лондонда ўз тенгдошлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида учинчи бўлишган. Келаси йили Одессада бўлиб ўтган «Шербола» халқаро мусобақасида ғолиб чиқиб, олтин медаль ва кубок билан қайтишган. Шу йили улар Ўзбекистон чемпионатида зафар қучдилар. Иккаласи ҳам мамлакат терма жамоасининг аъзоси. Қаршидаги Й. Охунбобоев номли педагогика билим юртида таҳсил олишмоқда.

Йигитчаларнинг истиқболи диёримиз келажаги билан уйғунлигига шубҳа йўқ. Оталари Бунёд Нафасов фарзандларидан, ғайрату одобидан мамнун. Нурхон Нафасовнинг эса улардан умиди катта.

Унгай дилда эрк ва умид куртаклари,
Кўрсанг қатор оқ чалвор, оқ яктакларин.
Булар юртнинг саботлари, нажотлари,
Юксакларга элтгувчи оқ қанотлари.
Чақнатиб ўз Ватанларин чақмоғини,
Ёт элларда кўтаргайлар байроғини.

Мирзо **АНВАР**

Осиё назари Ўзбекистонда

Спортнинг энг оммавийлашган турларига ошуфта йигит-қизларимиз мустақил Ўзбекистон номини жаҳонга достон қилмоқдалар. Пойтахтимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақаларнинг ташкил қилинишида эса камтарин айни пайтда саховатпеша ўғлонларимизнинг саъй-ҳаракатлари самарали кечмоқда. Хусусан, шу кунларда «Юнусобод» спорт кошонасида байрамона ўтказилаётган Осиё чемпионатининг ташкилий ва тадбирий жиҳатдан халқаро андозаларга мослигини таъминлашда ана шундай ўғлонлар камарбаста. Осиё чемпионатининг ташкил қилинишида ҳаваскор боксчилар халқаро уюшмаси ижроия қўмитаси аъзоси, мазкур уюшманинг бизнес-комиссияси раиси Ғофур Раҳимовнинг ташкилотчилиги ҳам диққатга сазовор. Зеро, журъаткор ташкилотчи-ю тадбиркорнинг қўли бўлмаса ҳар қандай ният, ташаббус, таклиф мустажоб бўлмай қолаверади.

Мусобақа эса ҳал қилувчи паллага кирди. Душанба куни нимчорак финал иштирокчилари ўртасида 21 та учрашув ўтказилган бўлса, сешанба ва чоршанба кунлари чорак финал қатнашчиларининг 40 та учрашуви бўлиб ўтди. Бугун эса сараланган кучлилар ўртасида ярим финал баҳслари уюштирилади. Эртага нафас ростлаб олингач, шанба куни ғолибларни аниқловчи финал учрашувлари бўлади. Қизғин ва муросасиз баҳслар орасида яна бир тадбир ўтказилди. Маълумки, чемпионатнинг очилиш маросимида ҳаваскор боксчилар халқаро уюшмаси Президенти Анвар Чаудри юртимизда боксниг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш, халқаро мусобақалар ўтказиш учун муносиб иншоотлар барпо этишда жонбозлик кўрсатаётган юртбошимизнинг махсус кубок билан тақдирлангани ва бу ҳақдаги сертификатнинг топширилиши ҳақида гапирган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, мазкур соврин юртбошимизга топширилгани ва унинг бундан севинч изҳор этгани, Осиё чемпионатидек нуфузли мусобақага бокс раҳнамоси Анвар Чаудринг ташриф буюрганидан мамнуният ҳосил қилганини маълум қилди. Кейин Анвар Чаудрининг таваллуди муносабати билан унга юртбошимизнинг эсдалик совғаси топширилиб, зарбоф тўн ва дўппи кийгизилди. Залда эса олқишлар янгради.

Мусобақада жами 130 нафар боксчи иштирок этмоқда. Уларнинг ҳар бири келаси йили Синдей шаҳрида ўтказиладиган олимпиадага йўлланма олишдан умидвор.

Кейинги уч кун мобайнида бўлиб ўтган учрашувларнинг энг қизиқарлилари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, назаримизда оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаевнинг хитойлик Ма Жинг Вай билан баҳси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Учрашув тақдири биринчи раунддаёқ ҳал бўлди. Хитойлик боксчи Русланнинг кучли зарбасига дош беролмади. Жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев КХДР боксчиси Ри-Чол билан жангдан кейин чорак финалга йўл олган эди. Эртасига эронлик Нуриан Анушервон билан баҳслашди. Бу сафар ҳам боксчимизнинг қўли баланд келиб ярим финалга чиқди. Дилшод Ёрбеков чорак финалда имкониятни бой бериб қўйди. Сирасини айтганда унинг эронлик Амири билан жангги ҳеч кимда шубҳа уйғотгани йўқ. Лекин ҳакамлар эронликнинг қўлини кўтаришди. Шунингдек, яна бир боксчимиз Равкат Эралиев ҳам ярим финалга чиқолмай қолди. Боксчиларимиздан Дилшод Йўлдошев, Жўрабек Набиев, Сирожиддин Наимов, Ғайратжон Аҳмедов ва Сергей Михайловлар курашни давом эттирмоқдалар. Тўлқин Турғунов ҳам ярим финалга чиқиб, ҳозирча чемпионатнинг бронза медалини нақд қилиб қўйди. Хуллас, боксчиларимиз қандай бўлмасин финалга чиқиб, олимпиада йўлланмасини қўлга киритишга зўр бермоқдалар.

Ҳайдар **НОСИРОВ**

Шавкат **АКРАМОВ**
олган сурат

Диққат! Диққат!

1999 йил 27 ноябрь соат 10.00да Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармаси томонидан қуйида кўрсатилган ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини чет эл инвесторларига сотиш бўйича танлов ўтказилади:

25 сонли АЁҚШ		83 сонли АЁҚШ	
Кўрсаткичлар	Маълумотлар	Кўрсаткичлар	Маълумотлар
Соҳа	«Ўзнефтгаз»	Соҳа	«Ўзнефтгаз»
Ҳудуд	Тошкент ш.	Ҳудуд	Тошкент ш.
Ҳуқуқий манзили	М. Улуғбек т-ни Гулсанам к-си	Ҳуқуқий манзили	Ҳамза т-ни, «Роҳат» кўли
Эгаллаган майдони	3275 м.кв	Эгаллаган майдони	1591 м.кв
Ёнилғи тарқатиш колонкаларининг сони	4	Ёнилғи тарқатиш колонкаларининг сони	4
Бошланғич нархи	101614 $	Бошланғич нархи	25000 $

Инвестиция танловига шошилинг!

Инвестиция танлови шартлари:

1. Нарх бўйича таклифлар.
2. Сотиб олинган АЁҚШ фаолияти йўналишини сақлаб қолиш.
3. АЁҚШ харидорининг шахсий АЁҚШлар Ассоциацияси аъзолигига кириш мажбурияти.
4. Аҳолига сотиш учун юқори сифатли ёнилғи-мойлаш материаллари (бензин, дизель ёнилғиси, мойлар) билан узлуксиз таъминлаш ва:
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган шахсий АЁҚШларнинг ишлаши тўғрисидаги мувақкат Низоми»га;*
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги 382-сонли қарорига;*
** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сонли қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини олиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш ва расмийлаштириш тартиби»га амал қилиш ва сўзсиз бажариш.*
5. Умумий суммаси АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар билан АЁҚШни эстетика ва хизмат кўрсатиш маданияти, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва техник таъминоти бўйича жаҳон стандартлари даражасигача реконструкция қилиш мажбурияти.
6. Санитария-маиший, ёнғинга қарши ва экологик талабларни, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш.
7. Аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш (мой алмаштириш, автомобилларни кичик таъмирлаш, автоэҳтиёт қисмларини сотиш бўйича минимаркет ва ш. ў.).
8. Бошқа таклифлар.

Маълумотлар ва инвестиция танловини ўтказиш шартлари бўйича Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилинсин.
Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават 33-хона. Тел: 144-60-51

Газетанинг 1999 йил 26 октябрь сонида чоп этилган Д.М.Қ Тошкент шаҳар Бошқармасига тегишли эълондаги 27 сонли АЁҚШ 83 сонли АЁҚШ деб ўқилсин.

Диққат! Диққат!

«АСАКА-ЁҒ»

акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Кун тартиби:

Акциядорлик жамияти Низомига ўзгартиришлар киритиш.

Мажлис 1999 йил 28 ноябрь соат 11.00 да жамият мажлислар саройида бошланади.

Жамият бошқарув органи Кузатув кенгаши

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Китоб — содиқ дўст

Ниҳоллар қалбига нур

Бу йил 5-синфга борган фарзандларимиз қишни адабиётдан, янги дарслик мажмуадан бошлашди. Бу дарслик энди ҳақиқий адабиёт дунёси билан таниша бошлаган ниҳоллар баҳрига юборилган биринчи ҳаётбахш сувни эслатади. Умумий таълим мактабларининг 5-синфлари учун яратилган мазкур дарслик-мажмуани профессорлар Умарали Норматов ҳамда Наим Каримов тузишган.

Н. Каримов ва У. Норматов ижод намуналарининг юксак савияда эканлигини 5-синф учун тузилган дарслик-мажмуа ҳам яққол тасдиқлайди. Ундан маълум бўлишича, бу дарслик-мажмуа мукаммаллашган қўлланма сифатида яратилган. Шунга кўра у илгарилари амалда бўлган шу хилдаги адабиётга оид дарслик-мажмуалардан кўп жиҳатлари, фазилатлари ва устунликлари билан фарқланиб туради. Аввало, китобдан муаллифларнинг имкон борича ҳозирги замонга мос асар яратишга ҳаракат қилганликлари аниқравшан сезилиб туради. Буни шундан кўриш мумкинки, мазкур дарслик-мажмуа аввалги шу хилдаги китоблардан фарқли ҳолда энг сўнгги, яъни 1998 йилда эълон қилинган дастур асосида яратилган. Янги дастурда анчагина янги материал киритилган.

Дарслик тузувчилари имкон борича ўқувчиларга чинакам бадиий адабиёт намуналари, ҳақиқий ижодий кашфиёт даражасига кўтарилган асарлар ҳақида билим беришга интилганлар. Шу маънода дарсликка «Уч оғайни ботирлар» ва Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр» эртаклари қайтадан киритилиши ниҳоятда мақсадга мувофиқ иш бўлган.

Яна бир гап, дарслик-мажмуа тузувчилари унинг илмий жиҳатдан мукаммал ва ҳозирги замон адабиётшунослик фани ютуқлари даражасига мувофиқ чиқишига ҳаракат қилганлар. Дарсликдаги бадиий асарлар ёки уларнинг муаллифлари тўғрисида берилган мухтасар маълумотлар китобнинг илмий қийматга эга эканлигини кўрсатади. Мазкур маълумотлар илгариги дарсликлардан фарқли ҳолда анча ихчамлаштирилган. Хусусан, шоир Ҳамид Олимжон ижодига оид маълумотлар фикримизнинг далили бўла олади.

Янги дарслик-мажмуа методик жиҳатдан ҳам анча мукаммал яратилган. Савол ва топшириқлар шундай тузилганки, уларга жавоб қидириш жараёнида ўқувчи китобда бадиий асарлар таҳлили берилмаган бўлса-да, мазкур адабиёт намуналарининг мазмуни, ғоявий йўналиши, бадиий қиймати ва аҳамияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилади.

Дарслик-мажмуада рус адабиёти намуналарига ўрин ажратилмаганлиги муайян эътироз уйғотади. Тўғри, муаллифлар буни мазкур намуналар рус тили ва адабиёти дарсларида ўтилиши билан изоҳлашга уринадилар.

Дарслик-мажмуанинг эътирозли ўринларидан яна бири шундаки, ундаги айрим асарлар 5-синфда ўтиладиган бошқа фанлар билан етарлича мувофиқлаштирилмагандек кўринади. Масалан, Б. Аҳмедов томонидан 5-синфлар учун тарих фанидан тузилган дарсликда Тўмарис ва Широқ ҳақидаги афсоналар келтирилган. Н. Каримов, У. Норматовларнинг «Адабиёт» дарслик-мажмуаларида ҳам ёзувчи Миркарим Осимнинг худди шу қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳикоялари тавсия этилган. Тўғри, икки дарсликдаги матнлар бир-биридан фарқланади. Лекин битта мазмунни ифодаловчи асарларнинг икки фанга оид дарсларда қайта-қайта ўтилиши ҳар ҳолда ўқувчилар учун зерикарли бўлса керак.

Умуман, умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун чиқарилган ушбу «Адабиёт» дарслик-мажмуаси ҳам ўзбек, ҳам қардош халқлар, ҳам чет эл адабиёти, ҳам халқ оғзаки ижоди тўғрисида анча кенг билим берувчи ва адабиётшунослик ҳамда педагогиканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган китоб бўлиб, у ёш авлод, яъни ниҳоллар қалбига бадиий ижоддек сеҳрли олам ҳақида ҳаётбахш нур олиб киради.

Санжар СОДИҚ,
филология фанлари доктори

Дил қулфини ечган учрашув

Истеъдодлар ўзи улғайган гўшага талпиниб яшайдилар. Қадим Мирзачўлнинг шўра-ю янтоқзорларини аёвсиз кезган, ўз ғояси, фикру ўйи, теран қарашлари, ўз дунёси билан яшаган кечаги бола бугун олим.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла аҳли ҳамюртлари, Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетининг филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Жаҳон Маданият ва санъат академияси аъзоси, шоир Азим Суюнни илиқ кутиб олдилар. Ҳамза номли 2-мактабда дийдорлашув, дилдан суҳбат бўлди.

Учрашувни олиб борган туман халқ таълими бўлими мудири Ҳамза Эшназаров Қ. Йўлдошевнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги хизматлари, айниқса ёш авлодга тақдим этган янги адабиёт дарсликлари хусусида мулоҳазаларини билдирди. Сўнгра шу мактаб директори Баҳринисо Сангирова ўз фикрларини очиқ-ойдин баён этди:

— Янги нашрдан чиққан 6-синф адабиётини қўлга олганимизда биз муаллимлар зиммасига катта масъулият юклатилганлигини ҳис этдик, — дейди у. — Чунки дарслик илгаригиларидан мутлақо фарқ қилади. Афзаллиги ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам мушоҳада юритишга, изланишга, фикрлашга ундайди. Рости, кўп ўқитувчиларга илгари дарсликлар ёд бўлиб кетганди. Чунки, йиллар давомида бир мавзу, маълум шахслар атрофида фикр юритиларди. Ҳаммасидан ҳам дарсликни тузувчилардан бири билан учрашиб туришимиз қувонарли ҳол, албатта. Бу мулоқот ҳаммамиз учун фойдали.

Учрашувда сўз олган бошқа ўқитувчилар ҳам мустақил юрт ўғил-қизларига тақдим этилган адабиёт дарсликларининг аҳамияти ва ўрни, унда кўзда тутилган мақсадлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев эса бугунги авлодни кечаги чўпчаклар билан овутиб бўлмаслиги, миллий онг, теран тафаккур, эркин фикр, Ватанга муҳаббат руҳини ўзида акс эттирган дарсликлар яратиш устида олиб борилаётган изланишлар хусусида тўхталди.

Ниҳоят кўпчилик интизорлик билан кутган лаҳзалар етиб келди. Йиғилганлар халқимизнинг севимли шоири Азим Суюн билан юзма-юз бўлдилар. Мунозара узоқ давом этди. Дилларнинг сирли қулфлари очилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
журналист

Инсон — тилсим

Биласизми?

❑ Ўрта ёшдаги одам ҳар соатда ўз терисининг 600 минг заррасини йўқотиб туради, бир йилда эса бу кўрсаткич 675 граммни ташкил этади. Агар киши ўртача 70 йил умр кўрса, бу даврда 48 кило тери йўқотади, яъни тана оғирлигининг 70 фоизини.

❑ Эркак киши умр бўйи 22 тонна овқат ва 33000 литр турли суюқлик истеъмол қилса, аёллар бу борада анча «очкўзроқ» экан, яъни 25 тонна овқат ва 37000 литр суюқликни паққос тушираркан.

❑ Бошдан бир кунда 40-60 тагача соч тўкилади, умр бўйи эса 1,5 миллиондан ортиқ соч толаси тушади. Бу меъёрий ҳол.

❑ Тилимиз жуда кичик — узунлиги 9, эни 5 сантиметр, оғирлиги эса 50 грамм. Бироқ шу кичик бир «бифштекс»да 17 та мушак бўлиб, у ақл бовар қилмас даражада турлича ҳаракатлана олади.

❑ Аёлларда 1 миллионта соч толаси бўлса, эркакларда 3 миллионтагача бор. Умр давомида сартарошлар олган соч узунлигини ҳисобласак, у 9-10 метрни ташкил этади.

❑ Инсон миясида 10 миллиард асаб ҳужайраларидан иборат ва у бир кунда 86 миллион битахборотни эслаб қолишга қодир, умр охиригача эса бу сон 100 триллион битгача етади.

❑ Киши умрида нафас олиб чиқарган ҳавоси 499 куб ярд (1 куб ярд — 0,76 куб метр)ни ташкил этади. Кучли нафас чиқарган пайтда ўпкадан чиққан ҳавонинг тезлиги соатига 160 километргача етади.

❑ Юрагимизнинг оғирлиги 300 граммлик тош босади холос. Бироқ киши умрида ўртача ҳисоблаганда 3 миллиардгача юрак уриши кузатилган.

❑ Ҳозиргача ўрганилган омилларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, одам миясининг нейтрон тармоқлари ер шаридаги телефон тармоқларидан 1400 марта мураккабдир.

❑ Эркаклар умри давомида 3,9 тонна, аёллар эса 4,3 тонна чиқинди чиқаради.

❑ Одам қоронғу жойга киргач, кўзнинг нурга нисбатан сезувчанлиги 1 дақиқада 10 баравар, 20 дақиқада 6 минг марта, 40 дақиқадан сўнг эса 25 минг бараварга ортади.

❑ Инсон миясида ҳар сонияда 100 мингга яқин кимёвий реакция содир бўлади.

❑ Миямиз кўз, қулоқ ва бошқа сезги органлари қабул қилган ахборотларнинг фақат 10 фоизинигина қайта ишлайди, қолган 90 фоизини ташлаб юборади.

❑ Одамда ҳид сезувчи органларнинг умумий майдони атиги 0,7 квадрат дюйм(1 кв. дюйм — 6,5 кв. см.га тенг)ни ташкил этади. Бундай органлар итда 10 кв. дюйм, акулаларда — 24 кв. дюйм, қуёнларда эса бутун танаси бўйлаб ёйилгандир.

❑ Кўз кўрган тасвир атиги 0,05 сонияда мияда акслана-ди.

❑ Юрак шунчалар кўп энергия сарфлайдики, унинг бир кунлик энергияси ҳисобига 900 килограмм юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқиш мумкин. Юрагнинг 50 йил давомида сарфлаган энергияси эса 18 минг тонна юкни 227 километр юқорига кўтариб чиқиш билан баробар.

❑ Инсон кўзлари шунчалар сезгирки, тунда тоғ чўққисида туриб 80 километр узоқликда ёнган гугурт чўпи шуъласини илғай олади.

❑ Ётганимизда нафас олиш учун 1 дақиқада 8 кварт (1кварт — 1,14 л.) ҳаво етарли экан. Агар ўтирган бўлсангиз 16 кварт, юраётганда эса 24 кварт ҳаво керак бўлади.

❑ Танамизнинг 1 квадрат дюймлик терисида 345 та тер чиқарувчи безлар, 26 метр асаб толаларининг учлари, 65 мингта соч қопчалари, 75 та ёғ безлари, 19 фут қон томирлари жойлашган.

❑ Одам ухламасдан 10 кечаю-кундуз, овқатланмасдан эса 1 ҳафта яшаши мумкин.

❑ Мия нейронларининг энг юқори фаолият «тезлиги» соатига 400 километрдир.

Зулхумор СУЛТОНОВА
тайёрлади.

Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Словакиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонаси ва «Vystavnictvo Bratislava»

«Словакия — сизнинг ишончли ҳамкорингиз» кўргазмасига чорлайди

Кўргазмада Словакиянинг тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, йўл қурилиши техникаси ва бошқа бир қатор соҳа корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилади.

Кўргазма 1999 йил 2-6 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» РСКМнинг 2-кўргазмалар павильонида («Пахтачилик» павильони) соат 10⁰⁰дан 18⁰⁰гача ишлайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107.
Тантанали очилиш маросими 1999 йил 2 ноябрь куни соат 11⁰⁰да бўлиб ўтади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Фаруҳ ҲАМРОЕВ,
навбатчи
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Замонавий мулкдор»

қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини тақдим этади

Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг яқин атрофдаги филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан хотиржам бўлишингиз мумкин.

Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:

- *Қимматли қоғозлар олди-сотдисига операцияларда эркин қатнашиш;*
- *Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;*
- *Хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.*

Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:

- *Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;*
- *Қимматли қоғозларга доир операцияларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42